УзССР Давлат китоб палатаси
ТАШ.
300196

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 январь, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 20 (1273)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 январь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) алоқа бўйича Марказий Осиёдаги бюроси раҳбари Алоис Резникни қабул қилди.

— Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг жаҳон ҳамжамияти ҳаётидаги ўрни ва обрўси тобора ошиб бормоқда, — деди Президент Ислом Каримов. — Айниқса, ЕХҲТ билан Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлмоқда. ЕХҲТ минтақавий бюросининг Тошкентда очилиши ҳам ушбу нуфузли ташкилотнинг Ўзбекистонга бўлган ишончини намоён этди.

СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган 1995 йилда ЕХҲТ билан минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экология ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликда талай ютуқларга эришилганини қайд этиб, бунда Алоис Резник раҳбарлигидаги минтақавий бюронинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлади.

Алоис Резник ЕХҲТ бундан буён ҳам Ўзбекистон билан турли йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ниятида эканини айтди.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янада равнақ топтириш, Тошкентда инсон ҳуқуқлари, гиёҳвандликка қарши кураш каби бир неча соҳаларда ЕХҲТ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида турли халқаро семинарлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

* * *

Шу куни Алоис Резникни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов қабул қилди.

(ЎзА).

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Республика Қизил Яримой жамиятининг пленуми бўлди. Унда жамиятнинг фавқулодда ҳолларда аҳолига ёрдам бериш тайёргарлигини таъминлаш вазифалари кўриб чиқилди. Бу борадаги «Сабот-матонат» дастури қабул қилинди. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд табақаларига ёрдам кўрсатиш бўйича 1996—2000 йилларга мўлжалланган тадбирлар тасдиқланди.

Пленумда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова қатнашди.

(ЎзА).

• *1996 йил — Амир Темур йили*

ШОНЛИ ҲАЁТ ЁДГОРИ

Шаҳрисабз ва Самарқандда бобокалонимизга қўйиладиган ҳайкаллар шавкатли умр давонларини эслатиб туради

Юбилей тадбирларини ўтказиш ҳақидаги қарорда соҳибқирон туғилган юрт Шаҳрисабзда ва мамлакатининг пойтахти Самарқандда ҳайкал ўрнатиш кўзда тутилган эди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида қўйилажак ёдгорликлар лойиҳалари тасдиқланди. Танлов асосида ҳайкалтарошлар Илҳом ва Камол Жабборовлар ҳамда меъмор Ботир Усмонов асарлари маъқулланди.

Маълумки, истиқлолнинг икки йиллиги муносабати билан Тошкентда ўрнатилажак ҳайкаллар танловида ҳам Илҳом Жабборов лойиҳаси биринчи ўринни эгаллаган ва бугунги кунда жамоатчилик ҳамда меҳмонлар эътиборини тортиб турган обида — от устидаги соҳибқирон сиймоси пойтахтнинг марказий хиёбонига ўрнатилганди. Энди ана шу муаллиф ҳамкорлигидаги ижодий маҳсуллар Шаҳрисабз ва Самарқандда ҳам ўрнатиладиган бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур Шаҳрисабз заминида таваллуд топди, шу маконда ўсиб-улғайди, катта ҳаётга парвоз қилди. Кейинчалик ўз салтанатига эга бўлгач, Шаҳрисабзни биринчи пойтахт сифатида танлади. Бобокалоннинг шаклланиш ва улғайиш даври ана шу зангори шаҳар билан боғлиқ. Буюк ҳаётнинг мазкур ҳақиқатини ҳисобга олган муаллифлар бу ерда қўйиладиган ёдгорлик лойиҳаси сифатида улуғ ишларга жаҳд этиб турган навқирон йигит тимсолини бор бўй-басти билан акс эттирдилар. Ёдгорлик жаҳонгирлик тақдирида бўлган ёш йигитнинг тажассумига ўхшайди. У шаҳардаги Оқсарой мажмуи ҳудудида ўрнатилади. Бу ерда очиқ музей ташкил қилиш кўзда тутилган. Томошагоҳ юбилей кунларида илк марта мухлисларни кутиб олади.

Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанд Ер юзининг энг гуллаган шаҳарларидан бирига айланганди. Соҳибқирон ҳам ўз пойтахтини бетимсол даражага етказишда кўп иш қилди. Шунинг учун ҳам бу ерга ўрнатилажак ҳайкалда жаҳонгирнинг тахтда ўтирган ҳолати бежиз танланмаган. Бобокалон шу ҳолатда улуғ давлатнинг асосчиси, тадбиркор раҳбар ва донишманд сиёсатчи сифатида намоён бўлади.

Айни пайтда ёдгорликлар устида иш бошлаб юборилди. Ҳозирча лойиҳа нусхалари тайёрланмоқда, муаллифлар ўрнатилажак жойларни кўздан кечириб, меъморий-муҳандислик ишларини ҳал қилмоқдалар.

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Республика Прокуратурасида*

МУҲОКАМАДА – ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Республика Прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлди. Унда прокуратура идораларининг 1995 йилги иш фаолияти якунлари ва республикамизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтириш масалалари билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар амалга оширган ташкилий ва амалий чоралар туфайли республикада ҳуқуқ-тартиботнинг бирмунча барқарорлашувига эришилганини қайд этдилар. Прокуратура идораларининг асосий эътибори республика Президенти фармонлари ҳамда янги ҳуқуқий-демократик жамият қуриш мақсадида қабул қилинган муҳим қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга қаратилди. Айниқса, мамлакат иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, мулкни сақлаш, молиявий, солиқ, нарх-наво, тадбиркорлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кўзда тутувчи қонунларнинг ижросини таъминлаш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш борасида республика Прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар амалга ошириши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди.

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Солиқчилар ва божхона хизмати ходимларининг йил бошида сим орқали йиғилишини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Шу куни барча вилоят, шаҳар, туман давлат солиқ идоралари ва божхона хизмати ходимлари ўтган йилги ишларга якун ясаб, янги йилдаги вазифаларни белгилаб оладилар.

Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги шундай йиғинда Қўмита раисининг биринчи муовини М. Қуролов ўтган йилда солиқ ва божхона тушумларининг бажарилиш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 25 декабрдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Қўмита раисининг муовини Ш. Сатторов, Бош божхона бошқармаси бошлиғи С. Одимбоев, қўмита тафтиш-назорат ишлари бош бошқармаси бошлиғининг муовини И. Исломов қўшимча маъруза қилдилар.

Маърузаларда ва муҳокамада сўзга чиққан Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Навоий, Фарғона вилоятлари давлат солиқ бошқармалари, Хоразм вилояти божхона хизмати, Қарши шаҳар, Иштихон ва Музрабод туманлари давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари ўтган йил якунларини танқидий таҳлил этиб, асосий эътиборни республика Президенти қўйган талаблар асосида бу йил бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан Германиянинг машҳур «Интермед» фирмаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Институтнинг онкология ва ультратовуш диагностикаси кафедрасида диагностикага бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар бу борадаги яна бир қадам бўлди. Унда ўзбек ва немис олимлари ҳамда тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари иштирок этди. Германиянинг илғор технологияга асосланган ультратовуш аппаратларини республикамиз тиббий муассасаларида кенгроқ жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизда ҳам ана шундай аппаратлар яратиш масалалари кўриб чиқилди.

ҲИНД САНЪАТКОРЛАРИ СУРХОНДАРЁДА

Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик ва маданий алоқаларини ривожлантириш дастурига мувофиқ шу мамлакатнинг таниқли қўшиқчи ва раққосаларидан иборат «Бхандра» фольклор ансамбли Сурхондарёда бўлди.

Улар Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номли вилоят musиқали драма театрида катта концерт берди. Ҳинд санъаткорлари воҳанинг бир неча туманларида хайрия томошалари кўрсатди. Тушган маблағ ногирон болаларни соғломлаштириш тадбирларига сарфланади.

«ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАР ВА ШАҲАРЛИКЛАР»

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси кўмагида «Замонавий шаҳарлар ва шаҳарликлар» мавзуида тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ўтказди. Унда мамлакатимизда ижод қилаётган йигирмадан кўпроқ рассомнинг қиррқа яқин асари намойиш этилди. Бу асарларда республикамиз турли шаҳарлари аҳолисининг турмуши, бетакрор тарихий ва меъморий обидалар, янги қурилишлардаги бунёдкорлик ишлари акс эттирилган.

Кўргазмада дастлабки уч ўринни эгаллаган мусаввирлар — А. Нуриддинов, А. Жамолов, В. Бурмакин шу йил июнь ойида БМТ томонидан шаҳар ва шаҳарликлар мавзуида ўтказиладиган «Хабитат-П» халқаро анжуманда очиладиган бадиий кўргазмада қатнашиш ҳуқуқига мушарраф бўлди. Анжуманда 107 давлат қатнашади.

Кўргазма очилиши маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўғон Айтун иштирок этди.

(ЎзА).

• *Бизнинг шарҳ*

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ғаллакорларнинг ўз меҳнатлари пировард натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш йўли билан мамлакатда ғалла мустақиллигига эришишни таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

ЭНДИ ҒАЛЛАКОР ҚАНЧА КЎП ДОН ЕТИШТИРСА, ЎЗИГА ҲАМ ШУНЧА КЎП ҚОЛАДИ

Ушбу қарорга мувофиқ бу йилдан бошлаб, жамоа хўжаликлари, ижара, ширкат, ҳиссадорлик ва деҳқон-фермер уюшмалари, ҳар бир ғаллакор тер тўкиб қилган меҳнати самарасини шу пайттача давом этиб келганидек кеч кузга бориб хирмон уюлгандан сўнг эмас, балки енг шимариб ишга киришган пайтиданоқ амалда кўра бошлайди. Чунки қарорнинг учинчи бандида таъкидланганидек шу йил 10 февралдан кечиктирмай дон харид қилиш юзасидан хўжаликлар билан шартномалар тузилади ва уларга харид нархларининг камида 40 фоизи миқдорида олдиндан насия (аванс) пули тўланади.

Бироқ шуниси ҳам борки, бу пуллар аниқ мақсадларга яъни ғалладан мўл ҳосил олиш омилларига сарфланмоғи лозим. Хусусан, уруғлик, ўғит, техника, ёнилғи сотиб олиш ва бошқа зарур агротехник тадбирларни амалга оширишга сарфланса, бу насия пул кузга бориб нақд маблағга айланади.

Қарорда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк ва «Ғалла-банк» билан биргаликда харид қилинадиган дон учун аванс бериш учун зарур бўлган пул ресурсларини қидириб топсин дейилгани бежиз эмас. Зеро, бу маблағлар вақтида ғаллакорнинг қўлига етиб келмаса, аввало, унинг қўли ишга бормай қолади, меҳнатига ҳар галгидек куйиб қолишдан ҳадиксираб, ҳафсаласи совийди. Иккинчидан, ҳисоб рақамида маблағ тайин турмаса, ўзаро тўловлар ҳам юришмай, пароканда лик бошланиб, умумий ишга жиддий путур етади. Қарорда алоҳида таъкидланган бу муҳим масала юзасидан, айниқса, «Ғалла-банк» чуқур масъулият ҳис этиб, ўз ишига туб ўзгаришлар ясаши, ғаллакорларни қизиқтирувчи, моддий рағбатлантирувчи ташкилот сифатидаги вазифасини бекаму кўст бажариши лозим.

«1996 йилда дон харид қилиш ҳажмлари уни етиштириш ҳажмларининг 50 фоизи даражасида тасдиқлансин» дейилади қарорда. Ҳокимлик ва хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва ғаллакорларнинг ўзлари ҳам бу қоиданинг мақсад-мазмунини яхши тушиниб олишлари керак. Гап шундаки, ким қанча кўп дон етиштирса, ўзига ҳам шунча кўп қолади. «Эски касал»и кўзиб, йўқни бор қилиб кўрсатадиганлар энди фақат ўзларини алдайдилар. Ҳалол меҳнат қилганлар пировардида хирмон бошида пул саналарида улар чапак чалиб қоладилар. Негаки, юқоридаги жумладан сўнг «... амалда йиғиб олинадиган ялпи дон ҳажмларидан қатъи назар, дон харид қилиш бўйича топшириқларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши мажбурийдир» дея қарорда аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Бундан ташқари қарорнинг яна бир бандига жиддий эътибор бериш керак бўлади. Яъни хўжаликлар ўзларига қолган дондан уруғлик учун етадиганини ажратиб қўйганларидан кейин қолганини эркин нархларда сотадилар. Аммо бу хирмондаги ғалла тегишли қисмларга тақсимлаб бўлинганидан сўнг қилинадиган иш эмас. Ким шундай деб ўйласа, ўз зарарига қаттиқ янглишади. Ақлли деҳқон бозор тараддудини экинни экиш билан бошлайди. Бинобарин, ҳар бир хўжалик, деҳқон-фермер хирмонда қоладиган ўз улушини мақбул нархларда сотиб, яхши даромад кўриши учун ҳозирданоқ харидор топиш чораларини кўриб бориши лозим. Бозор муносабатларининг талаби шундай.

Бу йил 1 миллион 200 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экилади. Бу ўтган йилдагидан 372 минг гектар кўп, демакдир. Етиштириладиган ялпи ғалла ҳам шу рақамларга мутаносиб ҳолда кўпайиши керак, албатта. Аммо Президентимиз 23 январда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаганидек, кейинги йилларда, айниқса, суғориладиган ерларда ғалла майдонлари бир неча баравар кенгайганига қарамай, ҳосилдорлик ошмаяпти. Бунинг асосий сабаби — кўпгина ҳокимлик, хўжалик раҳбарлари ҳамон ғаллага иккинчи даражали экин сифатида қарамоқдалар, ғалла мустақиллигига эришиш сиёсатини тушиниб етмаяптилар, масъулиятсизлик, лоқайдлик иллатидан халос бўлолмаяптилар.

Бундай раҳбарлар энди хомтама бўлмасинлар. Турмушимизга табиий йўсинда кириб бораётган бозор муносабатлари ҳадемай, бундайларни бир четга суриб қўяди.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи» газетасининг деҳқончилик мажмуи бўйича шарҳловчиси.

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 26 январда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 30,32 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,20 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 27 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	26,69
1 Австрия шиллинги	3,45
1 Англия фунт стерлинги	54,55
10 Бельгия франки	11,81
1 Голландия гульдени	21,67
10 Греция драхми	1,47
1 Дания кронаси	6,28
1 АҚШ доллари	36,20
1 Миср фунти	10,65
1 Ирландия фунти	56,56
1 Исландия кронаси	0,54
10 Испания песети	2,87
100 Италия лираси	2,26
1 Канада доллари	26,28
1 Кувайт динори	120,75
100 Ливан фунти	2,28
1 Германия маркаси	24,27
1 Норвегия кронаси	5,55
10 Португалия эскудоси	2,34
1 Сингапур доллари	25,52
1000 Туркия лираси	0,58
1 Финляндия маркаси	7,92
1 Франция франки	7,08
1 Швеция кронаси	5,22
1 Швейцария франки	30,15
1 ЭКЮ	44,56
10 Япония иенаси	3,39
1000 Россия рубли	7,67
1 Эстония кронаси	3,05
1000 Украина карбованеци	0,19
1 Латвия лати	66,06
1 Литва лити	9,05
1 Қозоғистон тенгеси	0,56
1 Молдова лейи	7,97
1000 Беларусь рубли	3,15

***) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

• Бугуннинг гапи

БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ТОШКЕНТ, ИККИНЧИСИ ЭСА ВАШИНГТОНДА ЎТАДИ

Республикамизда бозор муносабатларини ривожлантириш чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо, хорижлик тадбиркорлар «Етти ўлчаб бир марта кес», мақолига амал қилган ҳолда иш юритишлари ҳам маълум. Шунга кўра иқтисодиётни ривожлантиришга сармоя сарфлаш, лойиҳаларни таҳлил қилиш, улар ичидан энг самаралиларини танлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш янгича илмларни талаб қилади. Тошкент давлат Аграр университетида бўлиб ўтган «Лойиҳалар таҳлили» семинари худди шу мақсадга қаратилди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Жаҳон Банки иқтисодий ривожланиш институтининг регионал маркази директори Саидасрор ҒУЛОМОВ мухбиримизга ана шу семинар ҳақида сўзлаб берди.

— Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу семинар биз учун янгилик бўлса, ҳам жаҳон иқтисодиётида 50 йиллик тарихга эга. 1955 йили Жаҳон Банки қошида «Иқтисодий ривожланишни ўрганувчи институт» ташкил этилиб, унинг асосий мақсади ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий дастурлар ишлаб чиқишдан иборат эди. Ҳозирги кунда ҳам бу институт икки йўналишда катта ишлар олиб бормоқда. Биринчи йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш, улар малакасини узлуксиз ошириб бориш, тажрибалар алмашиниш, иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширувчи мутахассисларни тайёрлаш, улар дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий баҳолаш ва таҳлил қилиш ишлари билан шуғулланади.

Унинг фаолиятидаги иккинчи йўналиш банк фаолиятидаги ўзгаришларни уйғунлашишини таъминлайдиган концепцияларни ишлаб чиқишдан иборат. Булардан кўринадики, унинг фаолиятидаги асосий мақсад Жаҳон Банки қарзга сармоя ажратувчи мамлакатлар тақдим этаётган ғояларни, лойиҳаларни чуқур таҳлил этиш, агар у самара беришига ишонч бўлса ўша мамлакатнинг кадрларини махсус курсларда ва семинарларда ўқитишдан иборат.

Бизда ташкил этилган курсларда ҳам, аввало, юқори малакали ўқитувчилар тайёрланади. Чунки чет эл профессор-ўқитувчиларини жалб қилиб республикамиз учун етарли кадрлар тайёрлаш, узоқ муддатни ва катта маблағни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўқишлар 3 босқичда амалга оширилмоқда. Ўқишнинг биринчи-иккинчи босқичи Тошкентда, 3-босқичи Вашингтонда давом эттирилади. Шуни мамнуния билан айтишим мумкинки, иккинчи босқичда ўқиган 35 нафар тингловчининг ҳаммаси тест синовларидан муваффақиятли ўтишиб, учинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Маълумки, аввалари ҳам иқтисодни юргизишда таҳлил қилиш ишлари бўлган. У пайтда лойиҳалар эмас, балки бирор бир хўжаликнинг маълум муддатдаги иқтисодий якунлари таҳлил қилинарди. Унда бир томонлама, яъни ҳатлари таҳлил қилинади, яъни комерсиявий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий, экологик, техник, таваккалчилик ва ноаниқлик томонлари. Буларнинг ҳар бирини тарозининг бир палласи, деб қараш мумкин.

Университетимиз қошида регионал марказ ташкил этилгандан буён, яъни бир йилда уч марта семинар ўтказилди. Ташкил этилган семинарларнинг сифати Жаҳон Банки иқтисодий ривожланишни ўрганувчи институт раҳбарияти талабларига мос келган бўлса керак, худди шу ерни Марказий Осиё мамлакатлари учун кадрлар тайёрлайдиган марказга айлантиришга қарор қилишди. Шуни айтиш керакки, 2-босқичда ўқиган 35 нафар тингловчининг 12 нафари Ўзбекистондан, 11 нафари Қозоғистондан, 9 нафари Қирғизистондан, 3 нафари Озарбайжондан.

Албатта, уларни ўқитиш, сафарларга жўнатиш учун қанча иқтисодий самара олинди, деган саволга жавоб изланарди, халос. Аммо бу самарага эришиш учун нималар сарфланди, унинг ижтимоий якунлари қандай, экологиямизга таъсири борми ва шунга ўхшаш жуда кўп масалалар четда қолиб кетарди. Лойиҳалар таҳлили эса кўп паллали тарозига ўхшайди. Бунда барча паллалар мувозанатга келмагунча лойиҳалаш ва таҳлил қилиш давом эттирилади ва мувозанатни таъминлайдиган лойиҳагина самарали, деб ҳисобланади. Лойиҳаларнинг бир нечта жиҳатлари таҳлил қилинади, яъни комерсиявий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий, экологик, техник, таваккалчилик ва ноаниқлик томонлари. Буларнинг ҳар бирини тарозининг бир палласи, деб қараш мумкин.

Университетимиз қошида регионал марказ ташкил этилгандан буён, яъни бир йилда уч марта семинар ўтказилди. Ташкил этилган семинарларнинг сифати Жаҳон Банки иқтисодий ривожланишни ўрганувчи институт раҳбарияти талабларига мос келган бўлса керак, худди шу ерни Марказий Осиё мамлакатлари учун кадрлар тайёрлайдиган марказга айлантиришга қарор қилишди. Шуни айтиш керакки, 2-босқичда ўқиган 35 нафар тингловчининг 12 нафари Ўзбекистондан, 11 нафари Қозоғистондан, 9 нафари Қирғизистондан, 3 нафари Озарбайжондан.

Албатта, уларни ўқитиш, сафарларга жўнатиш учун каттагина маблағ керак бўлади. Бизга Жаҳон Банки ҳомийлик қилади. Бўлаётган барча сарф-харажатлар унинг зиммасида. Семинар қатнашчиларига уч маҳал овқат, меҳмонхона кўринишидаги ётоқхона, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш учун барча сарф-харажатларни Жаҳон Банки ажратади. Бизнинг зиммамиздаги вазифа эса ташкилотчилик, ўқув хоналари ажратиш, ўқув жараёнини меъёрида олиб боришдан иборат.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Республикамизда бозор муносабатларини ривожлантириш учун мамлакатимиз жаҳон иқтисодиёти билан ҳамнафас бўлиши лозим. Бунинг учун эса кадрларимиз малакаси ва билими юқори савияда бўлиши керак. Қолаверса, кадрларимизнинг иқтисод юритиш маданиятини ҳам ривожланган мамлакатлар талаби даражасига етказиш зарур. Биз ана шунга интиляпмиз.

Президентимиз Ислом Каримов иқтисодиётда ислоҳотларни қишлоқ жойларидан бошлашимиз керак, деб жуда кўп марта таъкидлаганлар. Ушбу семинарлар, қолаверса, регионал марказ ўз фаолияти билан қишлоқдаги ислоҳотларни амалга оширишга ҳисса қўшадими, деган савол туғилади.

Жаҳон Банки институти ҳар йили 100 дан ортиқ тадбирларни ўз ичига олган дастурларни амалга оширади. Бу тадбирлар бир нечта қисмларга бўлинади, яъни миллий иқтисодни бошқариш, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва демография, таълим, сув таъминоти ва чиқинди сувларни қайта ишлаш, транспорт, шаҳарларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар, саноат, молиявий тизим, энергетика соҳаси. Яқинда ташкил этилган семинар эса айнан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини таҳлил қилишга бағишланди. Шу билан бирга тингловчилар макроиқтисод, микроиқтисод, таҳлил қилишнинг турли усуллари ҳақида маърузалар тингладилар. Амалий машғулотлар эса Тошкент вилоятининг «Олга» хўжалигида бўлди. Семинарда машғулот ўтказиш учун Вашингтондан докторлар — Чандра Ренаде, Дешнандер, Сампатлойиҳалар таҳлилининг отахони, профессор Прайс Гитенжер, Хотене Азуми, Голландиядан профессор Ван Дер Вен, Макс Спур, Белгиядан Патрис Харулар ташриф буюришди. Шу билан бирга Жаҳон Банкининг Вашингтондаги институтида таълим олган россиялик ва ўзбекистонлик ўқитувчилар ҳам таклиф этилди.

Семинар машғулотлари ниҳоятда тиғиз дастур асосида олиб борилади. Машғулотлар ҳар куни 12-14 соат давом этади. Шундан бир ярим соати танаффус учун ажратилади.

Семинарда қатнашувчилар танлов асосида ажратиб олинади. Танлов шартлари эса Жаҳон Банкининг институти томонидан белгиланган.

Келгусида бу регионал марказни қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар учун маслаҳат ва ўқув марказига айлантириш режалаштирилган. Бундан ташқари, келгусида бу ерда ўзига хос мактаб ташкил қилиниб, университет талабалари бозоршунос, менежерлик илмларини ҳам эгаллашлари учун шароит яратилади. Бунга ҳозирданоқ замин ҳозирланмоқда.

Мустақиллик илм билан мустаҳкам. Буни ҳеч эсдан чиқармаслигимиз керак.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.

• Тажриба майдонларида

ПАХТА ВА ҒАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИ: БИОЛОГИК ОМИЛ

Президент Ислом Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда пахта ва ғалла етиштириш, айниқса, бу соҳада ҳосилдорликни ошириш борасидаги ишлар кўнгилдагидек бўлмаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Бу борадаги муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда жаҳондаги илмий тажрибалар натижаларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришиши, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда биологик воситалардан фойдаланиш замон талабидир. Олимларимиз кўпдан буён ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга заминимизга, атроф-муҳитга, экинлар генетикасига салбий таъсир этмайдиган биологик стимуляторларни яратиш борасида чуқур изланишлар олиб боряптилар. Жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида бундай стимуляторлар анчадан буён кенг қўлланиб келинмоқда. Жумладан, Корея Халқ Демократик Республикасида «Пуннен» («Серҳосил йил») деб номланган биостимуляторлардан қарийб 15 йилдан буён фойдаланилмоқда.

Икки йил муқаддам «Пуннен» стимуляторини мамлакатимиз тажриба экин майдонларида синовдан ўтказишга киришилган эди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси тармоқлараро ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий моддаларини рўйхатга олиш комиссияси ўтказилган тажрибалар хулосаларидан келиб чиқиб, «Пуннен» биостимуляторини республикамизда кенг қўллашга рухсат берди.

ЎзА мухбири биология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, ЎзФА Кимё институти лаборатория мудири Анвар Умаров, ЎзФА Генетика институти лаборатория мудири Сергей Монаков, биология фанлари номзоди, Кимё институти катта илмий ходими Ахмаджон Қориев ва КҲДРнинг «Унхасу» фирмаси президенти У Жунг Ким билан биологик стимуляторни қўллаш, унинг экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ҳақида суҳбатлашди.

— Аввало Ўзбекистонда «Пуннен» препарати қўллаш тажрибаси қандай натижа бергани ҳақида сўзлашсак...

А. УМАРОВ: — Жаҳон тажрибаси тарихига назар ташласак, биостимуляторлар илк бор Германия ва Америка Қўшма Штатларида гулларни парваришлаш мақсадида қўлланганига амин бўламиз. Бироқ, кейинчалик улар мева ва сабзавот етиштиришда ҳам қўллана бошланди. Стимуляторларни қишлоқ хўжалиги экинларига қўллашдан муддао уруғнинг униб чиқишини, ривожини тезлатиш, касалликлардан ҳимоялаш, ҳосилдорликни оширишдан иборат. Ана шу мақсадда бизда рослин, тетранил, розалин каби препаратлар ишлаб чиқилган. Аммо, улар айрим қусурларга эга бўлгани сабабли кенг қўлланишга рухсат этилмаган. Шу боис, шимолий кореялик ҳамкорларимиз «Пуннен» препаратини тавсия этишда унинг табиий моддалардан ташкил топгани ва мутлақо безарарлигига кафолот беришларига қарамай, стимуляторни ҳар томонлама текшириш Ўзбекистон кимё комиссиясига топширилди.

Стимуляторнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларидаги таъсирини билиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кўрсатмасига биноан «Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон вилояти, Асака туманидаги тажриба участкасида, Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Гулзоробод», шунингдек, Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши», ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжаликлари пахта майдонларида синаб кўрилди.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, стимулятор ғўзаларнинг униб чиқиши ва ўсишини тезлатди, унинг ҳосилдорлигини оширди. Масалан, «Политотдел» колхозида 12 гектар пахта майдонига «Пуннен» қўлланилиши ғўзалар ўсишини 14-16,3 фоизга тезлаштирди. Барларнинг фотосинтетик фаоллиги ошиши ҳисобига ўсиш, ғўзалар ривожи тезлашди, ундаги ғунчаларнинг тўкилиши камайди. Вегитация даври ниҳоясида тажриба ўтказилаётган ғўзаларда одатдагиларга нисбатан бир ярим-иккита кўсак ортиқлиги намоён бўлди. Пахта майдонларига ғўза гуллаши олдидан препаратнинг кучсиз аралашмасини пуркаш ҳам яхши натижа берди. Шундай қилиб, «Пуннен» қўлланган майдонларда одатдагидан 4,6 центнергача кўп ҳосил олинди.

— «Пуннен» ғўзаларнинг касалликларга чидамлилигини оширишда ҳам ёрдам берадими?

А. ҚОРИЕВ: — Дарҳақиқат, тажрибалар шуни кўрсатдики, «Пуннен» стимулятори ғўзаларнинг касалликка чидамлилигини кескин ошириди. Масалан, Асакадаги тажриба участкасида ғўза икки-учта ҳақиқий барг чиқарган паллада шира тушиб, барглари тўкилиб кетди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, ғўза стимулятор таъсирида янги барглар чиқариб, гуркираб ривожланди. Шундай касалликка чалинган одатдаги пахта майдонига нисбатан ҳосилдорлик гектардан қарийб 6-8 центнергача кўп ҳосил олишга эришилди.

С. МОНАКОВ: — Мен илк бор пахта ҳосилдорлигини барқарор оширадиган препаратга эга бўлганимизни, у экологик жиҳатдан тозалаги, шу билан бирга, уруғлиқ чигитга ҳам мутлақо салбий таъсир этмаслигини қайд этишни истардим. «Пуннен»нинг таркибига эътибор қилсангиз, у турли витаминлар ва фитогормонлардан ташкил топганини кузатиш мумкин. Шу боис турли тупроқ ва обҳаво шароитида чигитнинг турли навлари қўлланган тақдирда ҳам, «Пуннен» ҳосилдорликни барқарор оширди. Шу ўринда препаратнинг ҳосилни эрта пишишига кўмаклашишини таъкидлаш жоиз. Чунки дастлабки теримнинг ўзидаёқ ҳосилнинг қарийб 70-80 фоизи териб олиниши унинг асосий қисми олий ва биринчи навларга қабул қилиниши демакдир. Стимулятор қўлланганда етиштирилган ҳосилнинг тўкилиши 9 фоизгача камайгани кузатилгани ҳам ғоят муҳимдир.

Биостимуляторнинг қўлланиш кўлами ғоят кенг. Уни ғалла, шоли, сабзавот, шунингдек, чорва учун озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишда ҳам ишлатиш мумкин. Айни пайтда республикамизда 250 гектар майдондаги ғаллазорда «Пуннен» стимулятори синаб кўрилмоқда.

— «Пуннен» Шимолий Кореяда анча вақтдан буён кенг қўлланаётганидан воқифмиз. Жаноб У Жунг, айтингчи, фирмангиз препаратни қайси мамлакатларга экспорт қилади? Агар сир бўлмаса экспорт ҳажмини ҳам айтсангиз.

У. КИМ: — Ҳа, «Пуннен» КҲДРда шоли етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда кўп йиллардан буён муваффақият билан қўлланиб келмоқда. Биз уни Покистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, қисман Японияга экспорт қиламиз. Рости, экспорт ҳажми унча катта эмас.

Биз препаратимиз Ўзбекистонда муваффақиятли синовдан ўтганидан мамнунмиз. Уни синаш учун шарт-шароит яратган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдиришни истардим. Биз ўз препаратимиз билан Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга ҳисса қўшишдан мамнунмиз. Бу иқтисодий алоқалар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади. Айни пайтда биз Ўзбекистонга 50 тонна «Пуннен» стимуляторини келтирганмиз. Ўзбекистондаги пахтакор хўжаликлар биздан уни сотиб олиш имкониятига эгалар. Биостимуляторга сарфланган харажат тезда қопланишидан ташқари, бир неча баробар соф фойда ҳам олинади.

— Стимуляторлар шу қадар фойдали экан, нега у кенг қўлланилмаяпти? Ўзбекистонда у деҳқонларнинг меҳрини қозона оладими?

А. УМАРОВ: — Стимуляторлар ва биологик моддаларга азалдан эҳтиёткорлик билан ёндашиш одат тусига кирган. Улардан дастлаб бизда қаламчалардан кўчат ундиришда фойдаланилган эди. Кейинроқ мевалар, жумладан, узумчиликда муваффақият билан қўлланди. Гап шундаки, препаратнинг афзаллигига амин бўлиш учун маълум вақт талаб этилади. Бизда эса дарров натижа кўрсатадиган нарсаларга ишонч зўр. Мана, кимёвий ўғитларни олинг. Уларнинг афзаллиги маълум бўлгани учун бундай ўғитларнинг бозори чаққон. Келажак биостимуляторларники экани кун сайин кўпчиликка равшан бўлиб боряпти. «Пуннен» қўлланган хўжаликлар ва унинг натижаларидан хабардор хўжаликлар раҳбарлари ҳозирданоқ уни сўраб келишмоқда. Бу препарат мамлакатимизда кенг қўлланилишига ишонаман.

— Деҳқонлар, пахтакор хўжаликлар раҳбарлари «Пуннен»ни сотиб олди ҳам дейлик. Уни қўллашда маълум илмий меъёрларга риоя қилиш лозим бўлса керак?

А. ҚОРИЕВ: — Албатта. Стимуляторни қўллашда маълум меъёрларга амал қилиш лозим бўлади. Масалан, 1 тонна уруғ 600 миллилитр эритмада ивитилиши, у 12-14 соатдан сўнг майдонларга экилиши тавсия этилади. Шунинг учун биз тегишли тавсиялар ишлаб чиққанмиз. Улар агросервис орқали препаратни қўллаётган хўжаликларга керакли миқдорда етказиб берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пахта майдонлари камайтирилаётган, унинг ўрнига бошқа экинлар экилаётган пайтда «Пуннен»ни қўллаш ёрдамида ҳосилдорликни ошириш хўжаликларга, мамлакатимизга катта фойда келтиради. Вақти келиб ўзбек олимлари ҳам «Пуннен»дан қолишмайдиган стимуляторлар яратиши аниқ. Ҳозирча, эса бу препаратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амиркул КАРИМ суҳбатлашди. (ЎзА).

• Диққат, танлов!

ХАЛҚАРО «ЭКОСАН» ЖАМҒАРМАСИ, «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» ГАЗЕТАЛАРИ, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танлови эълон қилди.

Унинг мақсади мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари сифатини яхшилаш, ўлкамиз табиатини асл ҳолатига келтириш учун экологик вазиятни соғломлаштириш, халқимизнинг орасталик борасидаги қадимий анъаналарини қайта тиклашдан иборатдир. Мазкур кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни аниқлашда қуйидагиларга эътибор берилади:

ВИЛОЯТ, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА

1. Ободонлаштириш ишлари даражаси.
2. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг давлат стандартига мослик даражаси (фоизларда).
3. Умумий овқатланиш, корхона ва муассасаларнинг санитария ҳолати.
4. Атмосфера ҳавосининг тозалик ҳолати (гидрометеорология хизмати далиллари асосида).
5. Автомобиль транспорти ва бошқа манбааларнинг ҳавони ифлослантириш даражаси ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари назоратининг аҳволи.
6. Экологик мувозанатни бузувчи манбаалар устидан санитария назоратининг аҳволи.
7. Кейинги беш йил давомида юқумли касалликларга чалинган беморларнинг сони.

МАҲАЛЛАЛАР, ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ХОНАДОНЛАРДА

1. Қанча уй-жой водопровод, ичимлик суви, канализация ва газ билан таъминланган (фоизларда)?
2. Кўча ва ариқларнинг санитария ҳолати.
3. Болалар ва катталарнинг чўмилишлари учун тоза сув ҳавзаларининг мавжудлиги.
4. Ҳаммом, сартарошхоналарнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг иш тартиби ва ҳолати,
5. Ҳожатхоналарнинг аҳволи.
6. Боғча ва яслиларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг санитария ҳолати.
7. Ахлат ва чиқиндиларни йўқ қилиш усуллари.
8. Кейинги беш йил давомида юқумли касалликларга чалинган беморларнинг сони.
9. Хонадонларда санитария ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг ҳолати.

Эслатма: ҳар бир қўйилган шарт 10 баллик тизим асосида баҳоланади.

ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ ҚОИДАЛАРИ

I-босқич Наврўз байрамига бағишланади.

Муддати: 1 январдан 31 мартгача.

Кўрикнинг биринчи босқичида хонадон, маҳалла ва жамоа хўжаликларида тадбирлар олиб борилиб, туман, шаҳар ишчи гуруҳлари томонидан танлов ўтказилади. Совриндорларга эса қуйидаги пул мукофотлари топширилади:

Хонадонга — 5 минг сўм.

Маҳаллага — 10 минг сўм.

Пул мукофотлари туман, шаҳар «ЭКОСАН» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман, шаҳар бўлимларининг ҳисобидан эллик фоиздан ажратилади. Бу ҳақдаги қарорнинг нусхалари мазкур жамоаларнинг вилоят бўлимларига тақдим этилади.

II-босқич «Мустақиллик» байрамига бағишланади.

Муддати: 1 апрелдан 31 августгача:

Кўрикнинг иккинчи босқичида туман ва шаҳарларда ўтказиладиган тадбирларнинг якунлари асосида уни ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан танловлар ўтказилиб, ғолиблар учун қуйидаги пул мукофотлари туман, шаҳар «ЭКОСАН» жамғармалари бўлимларига топширилади:

Туманга — 20 минг сўм.

Шаҳарга — 25 минг сўм.

Пул мукофотлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «ЭКОСАН» жамғармалари ҳисобидан ажратилади. Қарорнинг нусхалари халқаро «ЭКОСАН» жамғармасига тақдим қилинади.

III-босқич йилнинг якуни бўйича ўтказилади.

Муддати: 1 сентябрдан 31 декабргача.

Кўрикнинг учинчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган тадбирлар уни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиб, уларнинг қарорига асосан қуйидаги пул мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «ЭКОСАН» жамғармаси бошқарувларига топширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига — 50 минг сўм.

Пул мукофотлари Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси ҳисобидан ажратилади.

Кўрик-танлов ҳайъатининг қарорига асосан, пул мукофотлари миқдорида эсдалик буюмлари, дори-дармонлар ва тиббиёт жиҳозларини совға қилишга рухсат этилади.





Эллиққалъа туманидаги «Нур» ҳиссадорлик жамиятида шу кунларда йигирма хилдан зиёд турли-туман қурилиш моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, пишган ғишт тайёрлашдан катта даромад келаяпти. Оҳак ишлаб чиқариш цехи хизматчилари ҳам йил охиригача минг тоннадан ошиқ маҳсулот сотишни мўлжаллашаяпти. Хомашё борасида муаммо йўқ. Қоратоғ карьеридан вақтида олинаяпти.

СУРАТЛАРДА: пишиқ ғишт цехида; цех бошлиғи Т. Байрамсоғатов, механик Б. Турдиев ва тракторчи И. Юсуповлар тайёр маҳсулотни жўнатиш пайтида.

А. МУРОТОВ олган суратлар.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

МУХОЛИФЛАРИ ПОРА ОЛДИ ДЕЙИШАЯПТИ

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг сиёсий мухолифлари уни йирик ишбилармон С. К. Жайнлар хонадонидан пора олганликда айбламоқда.

Бош вазирнинг ўзи эса ушбу айбни қатъиян рад этди. Нарасимха Раонинг вакили журналистлар билан учрашувда Бош вазирга нисбатан айтилаётган мазкур фикрлар ҳеч қандай асосга эга эмас, деди. Бош вазирнинг порахўрликка алоқадор эмаслигини Марказий қидирув бюроси ҳам тасдиқламоқда. Ҳозир Марказий қидирув бюроси давлатнинг юқори мансабларида ишлаётган 7 кишини жами 650 миллион рупий пора олганликда гумон қилмоқда. Ушбу жанжал туфайли, ҳатто, ҳукуматнинг учта вазири истеъфо беришга ҳам мажбур бўлди.

НАМОЙИШЧИЛАР ПОЛИЦИЯ БИЛАН ТЎҚНАШДИ

Свазиленде давлатида иш ташлашлар туфайли вазият кескинлашди.

23 январь куни Африканинг жанубидаги кичик қиролликнинг пойтахти Мбабане ва йирик саноат шаҳри Манзинида намойишчилар билан полиция ўртасида қаттиқ тўқнашув юз берди. Натижада бир неча киши қаттиқ жароҳат олган. Намойишчиларга мамлакат касаба уюшмалари федерацияси йўлбошчилари раҳбарлик қилмоқда. Улар халқ демократик бирлиги ҳаракати билан биргаликда ҳукуматдан мамлакат Конституциясига ўзгартиш киритиш ва сиёсий партиялар фаолиятига рухсат этилишини талаб этмоқда.

«ФОККЕР» МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ

Германиядаги йирик хусусий «Даймлер-бенц» концерни Голландиядаги «Фоккер» авиасозлик корхонасига молиявий ёрдам беришни тўхтатди.

Концерн ушбу корхона акцияларининг 40 фоизига эга эди. «Даймлер-бенц» концерни бошқарувининг фавқулодда йиғилишида ана шундай қарорга келинди. Голландия фирмасининг молиявий инқирозга юз тутиши натижасида 8 минг ишчи ўрни қисқариши мумкин. Бу эса корхонанинг синишига олиб келади. «Даймлер-бенц» бошқаруви раисининг Голландия ҳукумати билан шу масала юзасидан ўтказган музокаралари эса натижа бермади.

БИР-БИРИГА ЗИД ФИКРЛАР

АҚШ Шимолий Кореяга кўрсатаётган озиқ-овқат ёрдамини кўпайтиришга тайёр, деди АҚШ давлат котибининг Шарқий Осиё ва Тинч уммони давлатлари бўйича ёрдамчиси Уинстон Лорд.

АҚШ дипломати Шимолий Кореядаги «озиқ-овқат танглигини» Япония ва Жанубий Корея ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўринбосарлари билан Гонолулуда бўлиб ўтадиган уч кунлик мажлисда муҳокама этишни кўзда тутмоқда. Бироқ, маҳаллий мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу учрашувда бир қарорга келиш мушкул. Чунки Вашингтоннинг ҳам, Токио ва Сеулнинг ҳам Шимолий Кореяга ёрдам бериш борасидаги фикрлари бир-бирига зиддир.

Ё СИНОВ Ё ИККИ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

АҚШ маъмурияти Ҳиндистон агар ядровий синовни амалга оширса, бу мамлакатга кўрсатаётган иқтисодий ва ҳарбий ёрдамини тўхтатиб қўйишини маълум қилди.

Бундан ташқари, АҚШ Жаҳон банкига ҳам таъсир этиб, Ҳиндистонни ҳар йили оладиган 2 миллиард доллар миқдоридаги ёрдамдан ҳам маҳрум этади. АҚШнинг Ҳиндистондаги элчисининг таъкидлашича, республикада ядро синовининг ўтказилиши Ҳиндистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир этиши мумкин.

«ВОЛЬВО» ҲИНДИСТОН БОЗОРИГА КИРМОҚЧИ

Швециянинг «Вольво такс» йирик машинасозлик концерни Ҳиндистонда йилига 4 минг дона юк машинаси ишлаб чиқарадиган завод қуриш ниятида.

Концернинг ахборот бўйича директори Стефан Лорентзоннинг таъкидлашича, Ҳиндистон ҳукумати билан бир битимга келинса, бу ерда 18 ойдан сўнг илк «Вольво» юк машиналари конвейердан чиқиши мумкин экан. Швед саноатчилари завод қурилиши учун 10 миллион доллар миқдорида бошланғич сармоя қўйишмоқчи. Айни пайтда Германия, Япония ва Швеция машинасозлари Ҳиндистон автомобиль бозорини забт этиш учун рақобат қилмоқда.

ВЕРТОЛЁТ БЕДАРАК КЕТДИ

Шри-Ланкада МИ-17 ҳарбий-юк вертолёти бедарак йўқолди.

Вертолёт 30 кишидан иборат ҳукумат хавфсизлик кучлари бўлинмасини Жафна ярим оролига олиб бориши лозим эди. Маълумки, ҳукумат ушбу ярим оролни «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» ҳарбий гуруҳларидан тозалаш мақсадида ҳарбий тадбир ўтказмоқда. Бунинг учун эса Шри-Ланка ҳукумати Украинадан бир неча дона МИ-17 вертолётларини харид қилган эди.

СУД ҲУКМИ

Мисрнинг Давлат хавфсизлиги олий суди мамлакат фуқароси Ҳасан Ал-Ибнни уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Унга 1000 Миср фунти миқдорида жарима солди. Суд уни жосусликда айбламоқда. 1981 йилда Ҳасан Ал-Ибн Миср ҳукумати обрўсини тўкиш мақсадида Франциядаги ташкилотларнинг бирига аъзо бўлиб, қўпорувчилик билан шуғулланган.

• Акс-садо

«ОРОЛНИНГ ҚУРИШИ ҚИЗИЛҚУМ САҲРОСИНИ УЙҒОТМОҚДА»

Бунинг олдини олиш мумкинми?

«Халқ сўзи»нинг шу йил 11 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақола қатор олим ва мутахассислар, зиёли ва оддий фуқароларда катта қизиқиш уйғотди. Улар таҳририятимизга мактуб йўллаб, муаллиф ўртага ташлаган мулоҳаза ва таклифларни маъқуллаб, ўз муносабатларини баён этмоқдалар.

Қуйида ана шундай мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Ў. ПРАТОВ, ЎзФА ботаника институти лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор:

— Шермуҳаммад Юсуповнинг мақоласи Қизилқум воҳасини Орол фожеаси асоратидан сақлаб қолишга оид аниқ тадбирлар таклиф этилгани билан муҳимдир. Уни Орол муаммосини ҳал этиш юзасидан шу пайтгача амалга оширилган ишлар якунининг баёни дейиш мумкин. Ушбу долзарб мавзу кўп жиҳатдан ўсимликлар дунёси билан боғлиқ бўлганлиги туфайли биз ҳам шу хусусдаги фикр ва мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Ўзбекистон харитасига назар ташласак, Туркистондаги икки йирик дарё — Амударё ва Сирдарё оралиғида Қизилқум чўли (воҳаси) жойлашганлигини ва унинг ғарбий-шимолий томони дунё жамоатчилигини ўзига жалб этаётган Орол денгизи билан туташганлигини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам Орол денгизи Қизилқумнинг ажралмас қисми, улар тирноқ билан эт сингари бирлашиб кетган. Бошқача қилиб айтганда, Орол денгизининг «томирлари» Туроннинг узоқ ўлкалардаги қорли чўққилардан сув оладиган «юраги» ҳам дейиш мумкин. Қизилқумдаги барча тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсонларнинг ҳаёти ҳам Орол денгизининг суви билан бевосита боғланган эди.

Биз Орол денгизи ва Қизилқумни харитадан эмас, кўп экспедицияларда иштирок этиб, ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Орол денгизининг суви Туроннинг ҳақиқий кўзгуси бўлиб, қирғоқларига урилиб, мавжланиб турган бир пайтларда пиёда ва уловларда кезиб, унинг ўсимликлар дунёсини ўрганганмиз. Эндичи? Ўша пайтларда биз кўрган ям-яшил ўтлоқлар, ўрмонлар, ўз ишидан мамнун балиқчиларнинг сувни тўлқинлатиб сузиб юрган кемалари йўқ энди. Қизилқумга Орол фожеасининг таъсири аниқ сезилиб турибди. Шундай экан, Қизилқумнинг келажаги қандай бўлади, у ҳам Орол каби мушкул аҳволга тушиб қоладими, бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак, деган саволлар туғилиши табиийдир. Биз ботаникларни қум барханларини, шўрхоқ ва гипсли тупроқларни қоплаб келаётган 25 миллион гектар майдондаги Қизилқумнинг энг катта бойлиги — ўсимликлар дунёсининг тақдири ташвишга солмоқда.

Муҳими шундаки, бу ерда табиатнинг энг оғир шароитида ўсишга мослашган, илдизлари, ҳатто, 2 метрли гипс қатламларини тешиб ўтадиган Ер куррасининг бошқа бирор бурчагида учрамайдиган ажойиб ўсимлик турларини учратиш мумкин. Маълумотларга кўра, у ерда 900 — 950 хил ўсимлик турлари бор. Булар орасида «Ўзбекистон қизил китоби»га киритилган жуда кўп ўсимлик ва ҳайвон турлари мавжуд. Бизнинг тадқиқотларимиз Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида қизил китобга киритилган реликт, эндем ва бошқа йўқолиб бораётган, муҳофазага муҳтож ўсимликлар орасида фақат лолаларнинг ўзидан 5 тури борлигини кўрсатди. Қизилқум, айниқса, емхашак ва доривор ўсимликлари билан ажралиб туради. Асримизнинг энг қимматбаҳо доривор ўсимлиги ҳисобланган ширинмиянинг асосий захиралари шу ҳудудларда жойлашган, уни кўпайтириш ҳақида яқинда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳам қабул қилинди.

Ўсимликларнинг энг ажойиб хислатларидан яна бири Ш. Юсупов мақоласида қайд этилган 5 млн. гектар хавфли ва 1 млн. гектар ўта хавфли кўчма қум барханларининг учишига қарши қалқон бўлиб туришидир.

Ш. Юсупов кўтарган муаммолардан бири умумий майдони 1 миллион 630 минг гектар саксовуллардан иборат ўрмонларимиз Орол фожеаси оқибатида қуриб кетса, кўчма қум барханлари кўтарилиб, қандай муаммолар келтириб чиқаришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мақола муаллифи Қизилқумни сақлаб қолиш юзасидан таклиф этган учта муҳим тадбирнинг энг зарури бизнингча биринчиси бўлиб, унда Орол сувидан бўшаган ерларда тупроқ шароитига қараб саксовул, черкез ва қандим каби чўл шароитида ўсишга мослашган ўсимликлардан яшил қопламлар барпо этиш кўзда тутилган. Сўнгги икки тадбир ҳам ўз ўрнида муҳим аҳамият касб этади. Илова қилинаётган тадбирларни Республика давлат Ўрмон қўмитаси ёки бошқа бирор ташкилот ўз имконияти (маблағи) ҳисобига амалга ошириши қийин эканлиги хусусидаги фикр тўғридир. Бизнингча, Қизилқум муаммоларини аниқ мақсадни кўзлаб тузилган ягона дастур асосида амалга ошириш мумкин.

Бу ўринда олимлар ва мутахассислар олдида ҳал этилиши лозим бўлган мунозарали ва баҳсли илмий-амалий масалалар борлигини уқтириб ўтмоқчиман. Масалан, Орол сувидан бўшаган ерлардан кўтарилаётган чанг-тўзонларнинг Қизилқумдаги ўсимликларнинг гули, меваси, барги, шох-шаббаси ва илдизига қандай таъсир кўрсатиши илмий жиҳатдан асослаб беришни талаб этади. Кузатишлар Қизилқумнинг Орол денгизига яқин қисмига учиб келиб тушаётган туз аралаш қумлар ўсимликларни қалин ёққан қор каби қоплаб олиб, куритаётганлиги юз берадиган биологик жараёнлар, зарарланмаган уруғларни қаерлардан йиғиш каби масалалар ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Қизилқум воҳасида юзага келган экологик танглик зудлик билан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ва у билан боғлиқ барча кучларни бирлаштириб, кенг доирада амалий ишлар олиб боришни тақоза этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ш. Юсуповнинг мақоласида табиат муҳофазаси, келажакда юз бериши мумкин бўлган фожеанинг олдини олишга қаратилган долзарб масалалар ва унинг ечимлари ўртага ташланган. Ўйлаймизки, Орол муаммоси Қизилқум муаммосига айланган бир пайтда Оролнинг суви қуриган сатҳи ва Қизилқумда инқирозга учраган майдонлар мақолада айтилганидек, ҳам ўсимлик, ҳам механик йўллар билан мустаҳкамланса, ҳеч шубҳасиз, Қизилқумни сақлаб қолган бўламиз.

Т. РАҲИМОВА, ТошДУ экология кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор. Х. АЗИМОВ, шу кафедра доценти, биология фанлари номзоди:

— Ҳозирги пайтда, бутун дунё миқёсида чўллашиш жараёнининг кучайиб бораётгани натижасида минглаб гектар майдондаги ўрмонлар, ўтлоқлар йўқолиб кетмоқда. Бу фожеа дунё олимлари ва мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан асосийси ҳисобланади. Лекин Оролнинг қуриши билан боғлиқ бўлган Қизилқум минтақасидаги чўллашиш жараёни мислсиз тезлашмоқда. Биз биолог олимларга маълумки, кейинги 20-25 йил давомида Қизилқум минтақасида ҳар хил антропоген таъсирлар ва асосан, Орол денгизининг қуриб бориши натижасида минглаб гектар майдондаги табиий ўтлоқлар йўқолди ва йўқолмоқда. Бу жараён йилдан-йилга кучайиб бормоқда ва шунинг натижасида Қизилқум минтақасида экотизим кескин бузилмоқда, кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси давлат Ўрмон қўмитаси раисининг биринчи муовини Шермуҳаммад Юсуповнинг ташаббуси айни муддао бўлиб, у Қизилқум воҳасида экотизимнинг тикланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ш. Юсупов Орол ва бошқа антропоген таъсирлар билан боғлиқ Қизилқум воҳасида юз бераётган даҳшатли фожеанинг олдини олишнинг йўлини кўрсатиб берган. Биз олимлар Ш. Юсуповнинг ташаббусини тўла қувватлаймиз ва фикрларига қўшиламиз. Албатта, бу ишни бажариш осон кечмайди, катта маблағ ва куч талаб қилади. Лекин иложи борича, ҳамма имкониятларни ишга солиб бўлса ҳам бу фожеанинг олдини олиш зарур. Чунки бу тез суръатлар билан бузилиб бораётган экотизимнинг олдини олиш ва уни тиклаш демакдир. Шунинг учун ҳам бу иш қанчалик тез бажарилса, биз шунчалик ютамиз. Зеро, чўллашиш жараёни кундан-кунга кучайиб бориши муқаррар.

1995 йил 14-20 октябрда чўллар технологиясига бағишлаб Японияда ўтказилган ва биз иштирок этган халқаро конференцияда ҳам дунё бўйича кучайиб бораётган чўллашиш жараёни ва унинг олдини олиш йўллари тўғрисида маърузалар бўлди. Бизнинг маърузамиз Ўзбекистон ўсимликлари экологиясига бағишланган бўлиб, адир ва чўл техноген ерларни ўзлаштиришда истиқболли ўсимликлар илмий асосланди. Оролнинг қуриб қолган тубини ўзлаштиришда, экотизимни тиклашда яхши натижалар бераётган бир қатор ўсимликлар (чогон, кейреук, саксовул, терескен ва бошқалар) кўрсатилди. Бу ишларни амалга ошириш экологиянинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга илмий асос яратади, шунинг учун бу ишларни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Набижон БОҚИЙ, ёзувчи:

— Республика давлат Ўрмон қўмитаси раисининг биринчи муовини Шермуҳаммад Юсуповнинг «Оролнинг қуриши Қизилқум саҳросини уйғотмоқда» мақоласини ўқиб, жуда таъсирландик. Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Сен табиатга тўппончадан ўқ узсанг, табиат сенга тўпдан ўқ узади» деган машҳур ҳикмати бор. Айнан шундай! Шўролар даврида она табиатимизга қанчалар зуғум қилмадик: деҳқончиликка бир томонлама ёндашиш оқибатида Орол қуриди. Заҳарли кимёвий дориларни меъёридан ортиқча ишлатиш оқибатида юзага келган хасталиклар кўпайгани ҳеч кимга сир эмас.

Шукрлар бўлсинки, деҳқончиликда заҳарли химикатлар ишлатиш кескин камайди. Бу ҳол яқин келажакда ўз натижасини беради, албатта.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Авлодларимизга биздан озод ва обод Ватан қолмоғи керак» — дея жуда топиб айтганлар. Модомики, шундай экан, жиллақурса Оролнинг ҳозирги сатҳини сақлаб қолиш, суви чекинган сарҳадларига эса саксовул, қандим, черкез каби чўл ўсимликларини экиб, тузли чанг-тўзонларга ишончли тўсиқ қўйиш, мақола муаллифи Шермуҳаммад Юсупов таъкидлаганидай, барчамизнинг ва ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлмоғи лозим.

Бундай улкан кўламли режани амалга ошириш учун эса тегишли қарор қабул қилиниб, режалар аниқ-тиниқ белгиланмоғи айни заруратдир. Токи ҳар бир ҳудуд раҳбари, ҳар бир шахс яқин йиллар ичида зиммасига тушадиган масъулиятни тўлалигича ҳис қилсин ва уни виждонан бажарсин. Шундагина биз келажак авлод олдидаги бурчимизни адо этган бўламиз.

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири А. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
15 ФЕВРАЛДАН 6 МАРТГАЧА
ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ - ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ
ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
Акробатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жанглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.
Томошалар
СОАТ 10.00, 14.00, 18.00 ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГИЗ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
44-35-91, 44-29-04.

Корхона омборхонадан сотади
КАБЕЛЬ!
сотиб олади, сотиб бериш учун олади. ☎ 41-56-53, 41-59-44

Дунёнинг 70000 дан ортиқ, шаҳарларида ўз ваколатхоналарига эга бўлган

"DHL Worldwide Express"
корпорациясининг
Тошкентдаги бўлими сизнинг хатларингиз, ҳужжатларингиз, бизнес қоғозларингиз (шартнома ва шу кабилар), посилка ва турли хил юкларингизни жаҳоннинг исталган нуқтасига 3-5 кун муддатда етказиб беради.
Посилка ва юкларингизни божхонада расмийлаштиришни бизнинг ходимларимиз бажарадилар. Телефон орқали қўнғироқ қилиб, курьеримизни чақиртириб, буюртмангизни топширсангиз қимматли вақтингизни тежайсиз.
Доимий мижозлар учун нархларни арзонлаштириш усули мавжуд. Тўловлар исталган турда амалга оширилади.
Бизнинг манзилимиз:
Тошкент ш., Халқлар дўстлиги проспекти, 42
(метронинг "Мирзо Улуғбек" бекати ёнида).
Тел.: 78-14-36, 78-01-34, 78-12-89, 89-11-69. Факс: 78-12-89. Телекс: 116576.
"ТАТА" меҳмонхонасидаги экспресс-маркази: 33-08-31.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Санатория-курортлар бирлашмаси «Турон» санаториясининг директори Мирабзал Юнусовга отаси **Маҳмуд ЮНУСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва хорижий филология факультети деканати доцент Д. А. Рустамбековага отаси **Азиз НОРМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси собиқ бош муҳандис **М. БАҲРАМОВнинг** вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси мудири, профессор Зайниддин Исломовга акаси **Нажмиддин МУҲИДДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 9-қисм. 9.15 «Италия таассуротлари». 1-кўрсатув. 9.40 «Куёшдан нур эмган диёр». 10.10 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари. 10.40 «Анъана ва замон». Наманган ёр-ёри. 11.10 «Кема уч соат туради». Бадиий фильм. 12.25 Лирик концерт. 12.55—14.05 «Кулойим». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар.

Публицистик кўрсатувлар дастури:

18.10 1. «Юксалиш». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 2. «Биржа ва банк хабарлари». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 3. «Вақт хиёбонида». 21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм. 22.10 «Вақт хиёбонида» туркум кўрсатувининг давоми. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50—00.20 «Қўшиқ шайдоларига». Жўрахон Раҳимов куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.45 «Палитра». 19.15 ТВ II намойиш этади. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд. 20.15 «Мусиқий йўлка». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Курьер». 21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида». 21.25 ТВ II намойиш этади. 21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 22.45—23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Муҳаббат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 00.05 «Шоҳсупа сари».

IV

17.05 «Кўзмунчоқ». 17.35 «Тошкент халқаро мактаби». 17.55 «Батилиман». Телефильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Тафсилот». 20.15 «Янги иқтисод». 20.50 «Салом, Франция!». 21.25 Замонавий камер куйларидан концерт. 21.55 Эълонлар. 22.00 «СПОРТ-ТАЙМ». 22.30 «Ер» сайёраси. 23.10 — 23.40 «Тақдирлар».

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм. 9.10 «Ҳаёт мазмуни». Кинодастур. 9.55 Эстрада тароналари.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика. 11.00 Немис тили. 11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Эъзоз». 12.35 Болалар учун. «Умид учқунлари». 13.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Қишлоқларимиз келажаги кичик корхоналарда. 13.30—14.55 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Синфдош». 18.40 футбол шарҳи. 18.55 «Бугунги Европа». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Кеча ва бугун». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Янграсин шўх яллалар». 21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм. 22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50—00.25 «Олам ва одам».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.25 ТВ II намойиш этади. 18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Бизнесуик». 20.05 «Мусиқий йўлка». 20.15 «АРТ — журнал». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Видеогид». 21.15 Эълонлар. 21.20 «Кинонигоҳ». 23.00—24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Машинист Маъруповнинг иш куни». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.30 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Иштирок этувчилар». Санъат арбоблари ҳақида кўрсатув. 17.35 «Дўстлик чегара билмайди».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари. 21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи. 22.10 Эълонлар. 22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.15 — 00.05 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм. 9.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов. 10.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Севги рақси».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Умумий биология. 11.00 Алифбо сабоқлари. 11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур. 12.25 «Ғалати гаров». Бадиий фильм. 13.40—15.40 «Бешинчи давон». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ўйинқароқ болалар». Мультфильм. 18.20 Спорт хабарномаси. 18.35 «Фермер». Ўрта Чирчиқ туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги. 18.50 «Санъат олами». Рассом Муборак Йўлдошев. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 Р. Мадатов. «Уч оғайни ботирлар». Телеочерк. 21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм. 22.10 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти. 22.50 Ўзбек телесериали: Режа ва муаммолар. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50—00.30 «Ёшлар билан юзма-юз». Илк туйғулар...

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.30 ТВ II намойиш этади. 18.40 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув. 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Компьютер—Осиё». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари». 21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Доктор Гелиос», «Бешик тўй». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 24.00 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари.

IV

17.05 «Дунё ва болалар». 17.35 «Кобзар йўллари», «Қишлоқда ўтган болалик». Телефильмлар.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Гули Ҳамроева таклиф этади...». Ўзбекистон халқ артисти ижодий кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган. 21.00 «Кимга қанақа?». 21.45 «Тошкент оқшоми». 22.45 Эълонлар. 22.50 — 00.15 «Телбалик оқибати». Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм. 9.15 «Маҳалламиз болалари». 10.10 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур. 10.40 «Ўқитувчилар, Сизлар учун». 11.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Шайхонтоҳур». 11.30 Инглиз тили. 12.00 «Соғломжон-полвонжон». Жиззах ва Чирчиқ шаҳар боғча болаларининг спорт ўйинлари. 12.45—14.05 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм. 18.20 Э. Неъматов. «Бахмал тонглари». Телеочерк. 18.55 «Фан уфқлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Юзма-юз». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Инсон ва қонун». 21.25 Рамазон қўшиқлари. 21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм. 22.15 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди. 22.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мовароуннаҳр». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50—00.50 «Ўхшаш чеҳралар».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Автосалон». 20.10 «Хай-Фай» («Юқори сифат»). 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Сизнинг услуб». 21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари». 21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 22.00 «Кинонигоҳ». 23.40 —00.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 23.45 «Тет-а-тет». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова.

IV

17.05 «Рок-сеанс». 17.40 «Бола йўқолди». Телевизион бадиий фильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.50 Эълонлар. 20.55 «Кинематограф». 22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.25 — 23.55 «Бу бўстон аро...».

ЖУМА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм. 9.10 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди. 9.50 «Ўхшаш чеҳралар». 10.50 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар». 11.20 Немис тили. 11.50 «Аскар мактублари». 12.20—13.30 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Буюк ёпилиш». Мультфильм. 18.20 «Табиат шайдолари». 18.50 Мусиқий дақиқалар. 19.05 «Ёлқин». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ҳаёт ва қонун». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Акс-садо». Қуддус Аъзамовнинг муаллифлик кўрсатуви. 21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм. 22.15 «Ҳофизлар хониш қилганда». 22.45 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.50—01.00 «Зиёбахш умр». Бўрибой Аҳмедов.

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Ривоят». 18.20 «Жума тақвими». 18.25 «Дунё харитаси». Жанубий Африка Республикаси. 18.45 «Эртага — шанба». 19.00 «Оҳанглар оғушида». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «RAKS» қўшиқлари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Тасвир». 21.20 «Таманно». 21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Абу Али ибн Сино». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 Янгиликлар. 23.30 — 24.00 «Карнай навоси». Телефильм.

IV

17.05 «Алан». Фильм-концерт. 17.45 «Тоғ ўлкаси». Телефильм. 17.55 «Китоб растаси».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель». 19.55 Эълонлар. 20.00 «Афғон тупроғидан қайтган баҳодирлар». Афғонистондан қўшинлар олиб чиқиб кетилганлигининг 7 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.40 «Мусиқий меҳмонхона». 21.20 «Бизнес-академия». 21.45 Эълонлар. 21.50 «Кайфият». Дам олиш дастури. 22.30 — 00.10 «Менинг охирги тангоим». Бадиий фильм.

ШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм. 9.10 «Замон». 9.25 «Қалб қаноти». Ёқубжон Шукуров. 9.55 «Нафосат». Кинодастур. 10.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 11.10 «Халқ ижодиёти». 11.40 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури. 12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур. 12.50—14.00 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Буғдойзордаги уйча». Мультфильм. 18.15 Спорт хабарномаси. 18.25 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 «Бу ажиб дунё». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 Санъат усталарининг концерти. 21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм. 22.15 «Обид-А» театри билан учрашув. 23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк». 9.25 «Автосалон». 9.45 «Хай-Фай» («Юқори сифат»). 10.00 «Сизнинг услуб». 10.15 Жаҳон киноси юлдузлари. 10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 11.05 «Кинонигоҳ». 12.45—13.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

***

18.00 «Совға». 18.30 Эълонлар. 18.35 «Олам». 19.20 «Оҳанглар оғушида». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Эълонлар. 19.50 «Ишингиз бароридан келсин!» 20.05 «Имкон чўққилари». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эълонлар. 20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви. 21.20 Видео янгиликлари. 21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 22.00 — 23.40 Видео— «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.55 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.

*

Россия жамоат телевидениеси

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси 21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 — 24.00 «Халқ куйларини қалбингда сақла». Телефильм.

IV

10.00 «Олтин калитча». Болалар учун фильм. 11.20 Эълонлар. 11.25 «Безнен мирас» (татар тилида). 12.05 «Тадбиркорлар мактаби». 12.30 «Турналар». Телефильм. 13.00 — 14.25 «Қора ўқ». Бадиий фильм.

***

17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 1-серия.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур. 20.00 Эълонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.55 «Телеташриф». 21.10 «Бугунги Европа». 21.30 «5+1». Артист М. Холмедов билан мулоқот. 22.00 «Олам ва одам». 22.35 — 23.05 «Янги технология дўкони». Янги компьютер технологияси.

ЯКШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм. 9.10 «Шоҳруҳ» клуби. 9.40 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 12.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин. 13.30 «Ташриф». Дам олиш дастури. 14.00 «Цирк! Цирк! Цирк!». 14.45 — 16.15 «Кўркувнинг давоси». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.40 «Хазина». 19.05 «Ойнаи жаҳонда...» 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Италия таассуротлари». 2-кўрсатув. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 16-қисм. 21.50 «Тимсол» видеоканали. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ҳафтанома». 24.00—00.50 «Якшанба оқшомида».

II

9.00 «Ривоят». 9.05 «RAKS» қўшиқлари. 9.40 «Олам». 10.25 «Оҳанглар оғушида». 10.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси). 11.15 «Имкон чўққилари». 11.35 «Кўнгил». 12.00 Видео янгиликлари. 12.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар. 12.40 Видео — «О». 14.20—15.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

***

18.00 «Келгуси ҳафтада». 18.10 Эълонлар. 18.15 «LEGO» сайёраси». Болалар учун дастур. 18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси). 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Салом, ёшлар!». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Илҳом сатрлари». 21.10 «Фармед». 21.20 «Оҳанглар оғушида». 21.30 «Шахс ва баҳс». 21.50 «Даракчи». 22.00 «Келгуси ҳафтада». 22.10 Эълонлар. 22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.55 «Самарқанднинг мовий гумбазлари», «Кўкон ёдгорликлари». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси

18.20 — 22.50

*

Россия давлат телевидениеси 22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.50 «Панорама» (рус тилида).

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». 10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 12.15 «Менинг кучам...». 12.30 Эълонлар. 12.35 «Оддий мўъжиза». Телефильм. 13.20 — 14.50 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.

***

17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 2-серия.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур. 20.00 Эълонлар. 20.05 «Кинематограф». 21.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 21.55 «Саховий хонадонда». 22.35 «Эллада». 23.15 «Би-Би-Си» янгиликлари. 23.25 «Бу ажиб дунё». 23.45 — 23.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Мусаффо қиш тонгларидан бирида биз унинг «Рассомлар» кўчасида жойлашган устахонасида суҳбатлашдик.

ЮЗМА-ЮЗ

ЧАЙҚАЛАДИ ҲАЁТ БЕШИГИ

У 35 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида «Гўрўғли» достони асосида «Турон паҳлавонлари» туркумини яратди

Муборак ЙЎЛДОШЕВ, рассом.

— Нега айнан Гўрўғли мавзуини танлагансиз?

— Чунки қаҳрамони ўз халқи озодлиги учун курашда қурол билан эмас, ақл-заковат билан ғалабага эришган достон ғояси мени жуда тўлқинлантирди.

Ижод жараёнида мен хаёлот дунёси ва реал ҳаётни уйғунлаштириш вазифасини қўйдим. Чунки, достон воқеалари Туронзаминда зардуштийлик тараққий этган, оловга сиғинувчиларнинг диний ақидалари гуллаб-яшнаган, сўнгра, Ислом дини кириб келган даврларда содир бўлган-да.

— Эпик жанрга қўл уришга сизни нима ундади?

— Менинг диплом ишим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си мотивлари асосида бўлиб, у «Восе қўзғолони» деб аталарди. Театрдаги фаолиятим навбатдаги зинапоя бўлди. Чунки 1962 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатганимдан сўнг (устозим Владимир Рифтин эди) Навоий номли давлат академик катта театри ва Самарқанд опера театрида ишладим. «Флория Тоска», «Ёрилтош», «Лайли ва Мажнун», «Самарқанд афсонаси», «Бибихоним» каби қатор спектаклларга безак бердим. «Бибихоним» балетига хомаки чизмалар чизарканман, она-юрт тарихига, темурийлар салтанати даврига катта қизиқиш билан ёндошдим. Шунданми, кўп вақтим музейларда, кутубхоналарда, қадимий мўйқалам соҳиблари альбомларини варақлаш билан ўтарди. Орадан йиллар ўтиб, Тошкентга қайтдим. Ўзим битириб чиққан институтда ишлаб, ёш рассомлар билан машғулотлар бошлаганимдан сўнг, тарихий мавзуларга янада жиддийроқ мурожаат этдим. Бунга мени устозим ва дўстим Чингиз Ахмаровнинг йўл-йўриқлари ундади. Дарвоқе, бир пайтлар анъанавий Шарқ миниатюраси услубида ҳам расмлар чизгандим. Буюк рассомлар — Веласкес, Врубел, Васнецов ва Репинлар ижодидан кўп нарсалар ўргандим.

— «Турон паҳлавонлари» сериясидаги тасвирларда ўз шахсий ҳаётингиздан, феъл-атворингиздан «кўчирилган» нимадир борми?

— Ёшлигимда миллий кураш билан шуғулланганман, оғир тошлар кўтарганман. Гўрўғлининг ҳаёти мен учун яқин ва қадрдон. Мен туғилганимда отам Йўлдошхўжа 94 ёшда экан. Жуда қашшоқ ҳаёт кечирганимиз, бир қишлоқдан иккинчисига кўчиб, сарсон бўлганимиз ҳамон ёдимда. Отам Хива бозорида қовун сотарди. У 108 йил умр кўрди. Онам эса ҳаётдан эрта ўтиб кетган. Болалар уйида тарбияланганман. Сўнг Сталинободдаги бадиий-мусиқа билим юртида ўқидим. Кейинчалик тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолганман.

— Мана бу расмда Гўрўғлининг душманлари унинг сеҳрли отини ўғирлаётгани, аммо достон қаҳрамони ўз дўстлари билан бирга тулпорини қайтариб олаётгани тасвирланган...

— Менимча, мазкур образнинг ечими ҳам шунда. Турон паҳлавонлари тўғрисидаги ушбу достонда ҳам қаҳрамонлик, ҳам романтика бирдай тасвирланади. Марказий Осиё халқларининг ахлоқий қадриятларини ташкил этган юксак инсоний фазилатлар — ҳалоллик, мардлик, меҳнатсеварлик, жасурлик ва раҳмшафқатлилик каби хислатлар улуғланади. Достоннинг мазмуни сайёрамизнинг турли бурчакларида бошқа тилларда яратилган шундай услубдаги асарларга оҳангдошдир.

Гўрўғли адолатсизликка қарши курашиб, баланд тоғда жабрланганлар учун мустаҳкам қўрғон қуради. Нурота тоғ тизмасининг инсон қадами етмаган қоялари ўртасида Чамбил ёки Сусамбил деб номланувчи мазкур тош қўрғоннинг қолдиқлари ҳозиргача ҳам сақланиб қолганмиш.

— Ривоятлардан бирида таъкидланишича, Гўрўғли ўлмайди, балки 120 ёшида тоғдаги ғорга кириб кетаркан...

— Тўғри. Паҳлавоннинг жонли образи ва қудратли руҳи Ўзбекистон ҳамда қўшни давлатлар қўшиқлари ва ривоятларида абадий яшайверади.

— Шунча йил ишлаш-нинг ўзи бўлмас-а...

— Нимасини айтасиз. Шу йиллар давомида мени қўллаб-қувватлаган яқинларимга, дўстларимга, ўзининг кичиккина маошини менинг катта қувончим деб билган хотиним — мактаб ўқитувчисига ташаккурим бисёр. «Кўп бойликдан оз бўлса-да гўзаллик афзал», деган доно нақлга амал қилиб яшаяпман. Икки қизимнинг бири мусиқашунос, иккинчиси рассом бўлмоқчи. Қийинчиликлар ва синовлар инсоннинг ўзини тутиб олишига кўмаклашади. Монтень таъкидлаганидек: «Энг ноёб қобилият ҳам ўзини кўз-кўз қилишдан бузилади».

— Мукофотлар ҳам олганмисиз?

— Мен учун энг яхши мукофот — мустақиллик берган эркин ижод қилиш, юракдаги бор нарсани тасвирлашдир.

— «Гўрўғли» достонига оид барча асарларингиз устахонада сақланмоқда, шекилли, бирортасиям музей ёки хусусий коллекцияларга сотилмадими?

— Ҳамма расмларим бир китобнинг саҳифаларидек яхлитдир. Умид қиламанки, вақти келиб улар битта галерeяга жойлашади. Ўшанда томошабинлар бу асарлар орқали бизнинг илдизларимиз ўсиб чиққан Туронзамин бағрига саёҳат қиладилар.

***

Тўғриси, мусаввирнинг хонаси жуда тор бўлиб, мольберт учун кафтдеккина жой қолган, холос. Бетоблик азоб берса-да, у асосий вақтини шу ерда ўтказади. Олтмишдан ошган бўлишига қарамай, ижоддан толмайди.

Эпик мавзуни унинг кўҳна Хива, Урганч ва Самарқанд манзаралари тасвирланган қатор картиналари тўлдиради. Биргина Бибихоним мақбарасини у бир неча рангларда ва кўринишларда бера олган. Ёруғлик ва рангларни уйғунлаштириш орқали ўзига хосликка эришган. Миллий архитектурамиз ёдгорликлари ҳам унинг асарларида алоҳида жозибадор, сирли ва мафтункор бўлиб кўринади. Мана бу ажойиб «Карвонсарой» ҳозирда йўқ бўлиб, бузилиб кетган бўлса-да, суратда мангуга муҳрланиб қолган. У ишлаган натюрмортлар, аёллар образлари ҳам жуда ёрқин ифодаланган.

Рассом тўқ яшил, мовий, қизил ва пушти рангларни ёқтиради. Она ердан, оддий халқдан илҳомланиб асарлар яратади. У яратган суратларда Ҳаёт Бешиги чайқалади. («Она Турон бешиги»).

Яна бир асарда навқирон ва мангу Бухоро узра вақт чавандозлари елиб бормоқдалар. Уларнинг ҳаммаси кишини ўзига мафтун этувчи кўҳна Туронзамин манзараларидир.

Р. ФАРҲОДИЙ.

КУЁВ ҚОЧДИ...

Бишкеклик куёв «бу даргоҳни елкамнинг чуқури кўрсин» деганча жаҳл билан тўйхонани тарк этди.

Базми жамшит айни қизиган пайтда куёв бола келиннинг дўндиққина дугонасини бир эмас, икки эмас, тўрт бора ўйинга таклиф этди. Охир оқибатда, улар ошхонада ширингина суҳбатлашаётганда рашк ўтида ёнган келин ювинди солинган кострюлкани бўлажак эрининг бошига ағдарди. Афти-бастини лафша, гўшт қолдиқларидан нари-бери тозалаган куёв келинни ташлаб қочишдан ўзга чора тополмади.

ПАЙПОҚМИ, ҚЎЛҚОП?..

Екатеринбурглик техника фанлари номзоди С. пайпоқларни ювишнинг антиқа усулини «ихтиро» қилди.

Ихтирони патентлаштиришга аҳдланди-ю, ташкилотга мурожаат этди. Институт мутахассислари олимга бу «янгиликни» расмийлаштирмай, сўққабошларга ошкораликнинг меваси сифатида ҳадя этишини маслаҳат беришди. Ғоя эса пайпоқни қўлқоп сингари қўлга кийиб, сўнгра қўлни совун билан яхшилаб ювишдан иборат эди.

ОЁҚ ЎРНИГА...

Бир оёғидан ажралган ишчи товон пулига автомобиль харид қилмоқчи.

Икки йил муқаддам Нижеодесса буравой бошқармаси ишчиси хизмат вазифасини ўтаётганда жароҳатланиб, оёғидан ажралганди. Корхона маъмурияти жабрдийдага икки миллион сўм товон пули тўлади. Бироқ, у 30 миллион сўмдан камига рози эмаслигини айтиб судга берди. Сосногар шаҳар суди ишни кўриб чиқиб, етказилган зарарнинг ўрнини 20 миллион сўм билан тўлдириш мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарди. Ногирон ютиб чиққанидан ва нияти амалга ошадиган бўлганидан беҳад хурсанд.

ШАМОЛДАН ҲАМ ТЕЗ

1978 йилнинг апрелида Япония пойтахти — Токионинг Икебукро мавзесида «Саншайн-60» номли 240 метрли бино қуриб битказилди.

Унга ўрнатилган лифтлар ҳанузга қадар дунёдаги энг ҳаракатчан одам ташувчи лифтлар сифатида эътироф этилади. «Мицубиси» компанияси мутахассислари ўйлаб топган мазкур лифт минутига 609 метр масофа босар-кан.

ҲАДИСЛАР

Илмли киши бу дунёда иззат-обрў топади ва охиратда шарафланади

Умматимнинг энг яхшиси ўз аҳли аёлига меҳрибонроғидир.

ҲАДИСЛАР

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

БИРОВНИНГ ҚЎЛИ БИЛАН ТИКАН ЮЛИШ ОСОН

Варианти: Бир одам бирор ишнинг қийинчилигини кўра-била туриб ёхуд осон фаҳмлаб, бошқа бир одамга: «Шу ишни қилгин» деса, у одам: «Қилолмайман, бу иш менинг қўлимдан келмайди» ёхуд «Бу иш жуда ҳам мушкул-ку, ахир!» дейишига қарамай, мажбур этса, қийин-қистовга оласа, шундай пайтда ўша иш буюрган одамга нисбатан аччиқ киноя тарзида мазкур мақолни қўллайдилар.

ИСИНМАДИМ ОЛОВИНГГА, КЎР БЎЛДИМ ТУТУНИНГГА

Киши бировга бир нима умидида борса, у одам бермаса, «бир тўқ-қиз» гап қилса, «ўзинг топа олмадингми?», «Ундай қилсанг бўлмасмиди?!» «Бу кунингдан — ўлганинг яхши!» ва ҳ.к. деб, кишилар ўртасида изза қилса ёхуд беришни ваъда қилиб, шунинг эвазига «бурнини ерга ишқалаб» ишлатса-ю, арзимаган нарсани қўлига тутқазса, ҳалиги сўраб борган одам келганига, сўраганига минг пушаймонлар қилиб, «берадиган фойдангдан келтирган зиёнинг кўп бўлди-ку!» деган маънода аччиқ киноя тарзида юқоридаги мақолни айтади.

Халқ табобати

АММО УНИНГ 13 ФОИЗИ...

Сут нима? — деган саволга оддийгина қилиб «Эмизувчи ҳайвонлардан соғиб олинадиган оқ рангдаги суюқлик-да» — деб жавоб бериб қўя қолиш мумкин.

Аслини олганда эса сут инсон организми учун жуда зарурдир. Тўғри, шу оқ суюқликнинг 87 фоизи сувдан иборат, аммо қолган 13 фоизи оқсил, ёғ, шакар, минерал моддалар ҳамда витаминлардан ташкил топган. Инсон организми учун зарур бўлган олтита модда сут таркибида мавжуд. Идишга соғилган сут бир оз тиндириб қўйилса, «бет олади» — широбча ҳосил қилади. Олимлар ана шу широбчани микроскоп остига қўйиб кузатганларида унда жуда майда шарчалар мавжудлигини пайқаганлар. Бир томчи сутдаги мавжуд юз миллиондан ҳам кўпроқ ана шу доначалар ёғ эканлиги маълум бўлди. Сутни бир оз ачитиб қайнатилса кўкимтир сувга ва пахтасимон оппоқ парчаларга ажралади. Ана шу парчалар оқсил моддаси бўлиб олимлар буни казеин деб атадилар. Сутда яна альбумин ва глобулни номи билан аталган оқсиллар ҳам бор.

Сутда яна шакар моддаси ҳам борки, буни билиш учун сут зардоби узоқ қайнатилади ва қуйилиб оч жигар ранг тусга кирганда оловдан олиб музлатилади. Маълум муддат ўтгандан кейин у майда, новват ранг кристалларга айланади. Мана шу модда сут қанди — лактозадир. Зардоб олимларга кўп моддаларни аниқлашга ёрдам берган. Ҳалиги кристаллга айланган зардоб яна оловга қўйилса уқаланиб кукун ҳолига келади. Анализ қилинса унда бир оз оқсил, ёғ ва шакардан ташқари яна темир, алюминий, магний, кальций, фосфор ва ош тузлари мавжудлиги аниқланган.

Сутнинг бешинчи таркибий қисми витаминлардир. Сут биокимёвий анализ қилинганда таркиби А, В, С, Д витаминларга бой эканлиги аниқланган. Ёзда яхши кўкатларни еган сигирлар сутида витаминлар бундан ҳам кўп бўлади.

Сутнинг олтинчи таркибий қисми — сувга яна қайтамиз. Бунда водопровод суви ёки тоза булоқ сувини тушунмаслик керак. Сут суви энг соф химиявий сув (H_2O) бўлиб, ҳалиги беш хил моддани ўзида ажойиб тарзда синтезлайди. Сут сувисиз биз ўша моддалар мазасини билмаган бўлар эдик.

Сутнинг шифобахшлик хусусиятини дастлаб бундан 2500 йил муқаддам машҳур грек табиби Гиппократ кашф қилган. Бир зодагон йигитча буйрак касалига гирифтор бўлганида Гиппократ унга «Наҳорда сут ичгин, тушликка ҳам сут ич, кечқурун ҳам сут ич — шифо топасан»,-дейди, Аввалига эшак сутини сувга аралаштириб ичишни, 10 кун ўтгач фақат сигир сути ичишни тавсия қилади. 1 ойга қолмай касал тузалиб кетади.

Гиппократ ёлғиз буйракнигина эмас, асабий касалликларни, ошқозон-ичак, юрак ва қонтомир касалликларини ҳам сут билан даволаган.

Сутнинг шифолигини биз шарқ табобатининг бобокалони Абу Али ибн Сино асарларидан ўқиймиз: «Сут уч хил моддадан таркиб топган: сувлилик, оғиз ва ёғ моддасидан. Сигир сутида ёғ моддаси кўп бўлади. Туя сутида ёғ ва оғиз моддаси оз, ўзи жуда суюқ бўлади. Эчки сути эса мўътадилдир. Қўй сути қуюқ ва ёғли, аммо сигир сути ундан ҳам қуюқроқ ва ёғлироқ бўлади. Бия сути эса туя сутига ўхшаш суюқ ва сувли бўлади».

X-XI асрлар бўсағасида яшаган ибн Сино Бухоро атрофида махсус майдонлар танлаб унга турли доривор ўсимликларнинг уруғини септирган ва униб чиққан ўтлар билан сигирларни боқтирган. «Сут берувчи ҳайвон яхши ўтлар билан боқилиши керак» — дейди аллома. Сўнгра «Бўғозлик даври хотинларнинг ҳомиладорлигидан узоқроқ ёки озроқ чўзилган ҳайвонларнинг сути ёмон бўлади. Шунинг учун бўғозлик муддати жиҳатидан инсонга яқин турган ҳайвоннинг, масалан, сигирнинг сути энг яхши ҳисобланади». Абу Али ибн Сино сутнинг моҳияти, табиати, хоссалари тўғрисида гапириб, унинг инсон озиқланиш аъзоларига, шиш, жароҳат ва яраларга, бўғинларга, бош аъзоларига, кўз аъзоларига, нафас аъзоларига шифолиги ҳамда иситма ва заҳарларга қарши даволиги тўғрисида жуда кўп ёзган. Биз булардан фақат баъзиларинигина келтириш билан кифояланамиз: «Сут кекса кишиларга уларнинг табиатида ҳўллик (мижоз) ҳосил қилгани учун ва уларда бўладиган қичимани йўқотгани сабабли фойда қилади. Аммо уларнинг сутни ҳазм қилишларига асал билан ёрдам бериш керак. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди... Сут шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса, хотинларни чиройли қилади...

Қўй сути эса қон туфлашга кўпроқ фойда қилади. Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган дорилардандир. У билан оғиз чайқаш ва ғарғара қилиш томоқ оғриққа, томоқ шишига, тилчанинг ва бодомсимон безларнинг шишларига фойда қилади... Туя сути нафас қисишига фойда қилади... Сувли қисми кетгунча қайнатилган сут ични қотиради ва қонли ич кетишини тўхтатади. Сигир сутининг айрони эса сафроли ич кетишда фойда қилади... Қайнатилган қатиқ сафро ва қон аралаш ич кетишини тўхтатади».

Жуда кўп халқларда янги соғилган эчки ва қўй сутлари, сигир сутидан қатиқ ивитиб, туя сутидан қимрон ва бия сутидан қимиз тайёрлаб, жуда хилма-хил касалликларни даволаб келинади.

Доривор ўсимликлар едириб боқилган ҳайвон сутига не етсин. Бу унутилган удумни ҳозирда ҳам бир синаб кўриш керакдир, балки. Лекин ҳар ҳолда чўл ва тоғларда ўсган ва қуёш радиациясини ўзига яхши сингдириб фотосинтези нормал бўлган ўсимликларни еган ҳайвонларнинг сути энг шифобахшдир.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасини мамлакатимиздаги энг катта зиё масканларидан бири, деб эшитганмиз. У қачон, ким томонидан ташкил этилган, ҳозирги аҳволи қандай? Шу ҳақда билишни истардик.

Ш. БОБОХОНОВ,
Сурхондарё вилояти.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси, дарҳақиқат, мамлакатимиздаги йирик зиё масканларидан. У ўтган йил ўзининг 125 йиллигини кенг нишонлади. Кутубхона ана шундан буён мамлакатимизнинг маданий ва маърифий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. 1867 йил Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман илм-фаннинг турли соҳаларига оид манбаларни йиғиш, шунингдек, ўлка тарихи, маданияти ва этнографиясини чуқурроқ ўрганиш мақсадида кутубхона ташкил этиш ишига киришади. 1870 йилга келиб 2200 минг жилд китоб йиғилиб, расмий равишда Тошкент халқ кутубхонаси бунёд этилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кутубхона хазинаси АҚШ, Англия, Япония, Франция, Германия, Польша, Болгария, Чехославакия каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган китоблар ҳисобига бойиди. Хорижий мамлакатлардаги жуда кўп кутубхоналар билан дўстона ҳамкорлик йўлга қўйилди.

1948 йил кутубхона ҳаётида тарихий воқеа юз берди. Унга шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи берилди.

Ҳозирги кунда кутубхонада 430 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги ва 190 мингдан зиёд чет тиллардаги адабиётлар мавжуд бўлиб, 16 та бўлим фаол хизмат кўрсатиб келмоқда. Улардан энг асосийси — нодир китоблар бўлимидир. Бу бўлимда ҳозир 14 мингга яқин турли тил ва соҳаларга оид китоблар, шунингдек, 1924 йилгача чиққан матбуот нашрлари сақланади. Ўзбек ва тожик тилларида араб ёзувида чоп қилинган «Туркистон вилоятининг газети» (1870-1917 йиллар,) «Тужжор» (1907), «Турон» (1919), «Саодати Туркистон» (1914), «Иштирокиюн» (1917), «Қизил Ўзбекистон» (1924-1929 йиллар), рус тилидаги «Туркистон хабарномаси» (1870-1917), «Самарқанд» (1904-1907) нашрлари шулар жумласидандир.

Тарих фанлари номзоди, китобшунос олим Е. К. Бетгер мазкур бўлимнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. У, айниқса, қадимий ва нодир китобларни аниқлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширган. Бўлимда қадимий ва нодир китоблар, газета ва журналлар билан бир қаторда замонамизнинг машҳур олимлари, шоир ва ёзувчиларининг дастхатлари битилган асарлари ҳам сақланади.

Марказий Осиё ва Туркистон ўлкалари тарихи ва этнографияси, жуғрофияси, табиати ва мукаммал илмий маълумотларни жамлаган 594 жилддан иборат «Туркистон тўплами»ни ҳақли равишда кутубхонанинг энг қимматли бойлиги деб аташ мумкин. Бу мўътабар тўплам Туркистон ҳақида яратилажак жуда кўп тадқиқотларга манбаа бўлиши шубҳасиздир.

Кутубхона айни пайтда чет эллардаги кутубхоналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Американинг Сабре лойиҳа фонди билан иқтисод, банк ишлари, бизнес ва маркетингга оид адабиётларни етказиб бериш юзасидан битим тузишга эришилди. Корея Республикасининг Сеул марказий кутубхонаси корес ва инглиз тилларидаги адабиётларни, Швейцария Маданият ишлари вазирлиги ўз элчихоналари орқали Швейцария тарихи, адабиётшунослиги, санъати ва маданиятига оид китобларни, Эрон Ислом Республикаси элчихонаси вакиллари асосан табиий фанларга доир дарсликлар, форс тилидаги китоб ва журналларни кутубхона фондига топширдилар. Бу ўзбекистонлик китобхонларни мазкур халқлар тарихи, маданияти билан яқинроқ танишиш ва ҳар тарафлама дўстона муносабатларни йўлга қўйишларида муҳим қадам бўлади, десак хато бўлмайди.

Психиатрга бемор мурожаат қилипти:

— Доктор, бедаво дардга йўлиқдим. Ўзим ўзимга икки киши бўлиб кўринаман.

— Ҳеч нарса тушунмадим, — деди доктор. — Яна бир такрорланг. Фақат икковинглар баравар гапирманглар.

***

Қўшнисини иккинчи марта «Чўчқа», — деб ҳақорат қилган одамнинг устидан судья ҳукум чиқарипти:

— Эллик крон жарима тўлайсиз.

— Жуда қиммат-ку! Ўтган гал атиги ўттиз беш крон тўлаган эдим.

— На илож! — дейди судья. — Чўчқа гўшти жуда қиммат бўлиб кетди.

Республика об-ҳавони кузатиш маркази хабар қилади:

27-31 январь. Бу муддатда республикамизнинг кўпгина вилоят ҳудудларида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Фақат республикамиз шимолида сўнгги кунлари қор ёғиши мумкин. Баъзи жойларга туман тушади. Ҳаво ҳарорати дастлабки кунлари меъёридагича, яъни кечалари - 5 - 10, кундуз кунлари 0 +5 даража, жанубда кечалари 0 -5, кундуз кунлари +4 +9 даража, шимолда эса кечалари -13 -18, кундуз кунлари 0 -5 даража совуқ бўлади.

Ушбу муддатнинг сўнгги кунлари ҳаво ҳарорати аста-секинлик билан кўтарилиши мумкин. Ҳарорат кечалари -4 +1, кундуз кунлари +5 +10 даражагача, жанубда кечалари -1 +4, кундуз кунлари +8 +13 даражагача, шимолда кечалари -5 -10, кундуз кунлари 0 -5 даражагача кўтарилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

· МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Жумаев.
Навбатчи — О. Тўрақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001   Буюртма Г. — 020.   51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.   Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2   Босишга топшириш вақти—21.00   Босишга топширилди — 20.45.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.   Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.   Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.   1 2 3 4 5 6